

## Аллоҳ барча беморларга шифо берсин!



14:00 / 31.07.2021 4207

2021 йил июль ҳолатига кўра, Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси қайд этилганлар сони кўпчиликни ташкил этмоқда.

Шу кеча кундузда юртимизда ушбу касаллик билан оғриган, дард билан курашаётган юртдошларимиз, яқинларимиз сони ортиб бормоқда.

Уларнинг барчасига Аллоҳ таолодан шифои ожил, шифои комил сўраймиз.

Ушбу вабони енгиш учун барча имкониятларни ишга солаётган масъул инсонлар, ўзимиз ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз, туну-кун беморларга қараётган шифокор азизларимизга ҳам Аллоҳ таолодан куч-қувват, офият ва собитлик сўраймиз.

Барча яқинларимизни касалликдан сақланиш сабабларини ушлашга ва оила аъзоларининг саломатлигига эътиборли бўлишга чорлаймиз.

Аллоҳнинг тақдири, касаллик оқибатида вафот этган мўминларни Ўзининг раҳматига олишини, чеккан дардлари эвазига гуноҳларини каффорот этишини илтижо этамиз.

**«Албатта, у Ўз бандаларидан ўта хабардор ва уларни ўта кўргувчидир. У зот (одамлар) ноумид бўлганларидан кейин ёмғирни нозил қилур ва Ўз раҳматини таратур. У валий ва мақталган зотдир».** (Шууро сураси, 27-28 оятлар).

**Бобур Аҳмад**